# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил. 8 октябр | 40 (69)- сон


## КУН ТАРТИБИДА— ПАХТАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

*7 октябр куни Тошкентда пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитанинг 55-ялпи мажлиси иш бошлади. Пойтахтимиздаги «Интер континентал» меҳмононаси муҳташам залида анжуманнинг расмий очилиш маросими бўлди. Уни мазкур халқаро қўмитанинг ижрочи директори жаноб Л. Шоу очди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади. Президент анжуман иштирокчиларини қутлаб, пахта етиштирувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг биргаликдаги фаолияти яхши самара беришини таъкидлади.*

*Мажлисда АҚШ, Франсия, Англия, Ҳиндистон, Аргентина, Судан каби дунёнинг турли мамлакатларидан келган олим, мутахассис ва ишбилармон доиралар вакилларининг пахта бозори фаолиятини яхшилаш, 2000 йилгача пахта нархлари таҳлили, 90-йилларда пахтачилик истиқболлари мавзуидаги маърузалари тингланади. Анжуман қатнашчилари хўжаликларда бўлиб, Ўзбекистонда пахта етиштириш тажрибаси билан танишадилар.*

*Мазкур халқаро анжуман арафасида Тошкент кўркига-кўрк қўшган «Интер континентал» меҳмонхона мажмуи қуриб битказилди. Президент Ислом Каримов меҳмонхонани кўздан кечирди. «Интер континентал» компаниясининг Марказий ва Шарқий Европа минтақаси бўйича витсе-президенти В. Кросвичик ҳамда меҳмонхона бош директори П. Боссел билан халқаро мезонларга жавоб берадиган ушбу ноёб иншоотнинг қурилиши, ишга туширилиши ва ундан фойдаланиш масалалари хусусида суҳбатлашди.*

*Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.*

*Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.*

*(ЎзА)*

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИНИНГ 55-ЯЛПИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлиси иштирокчиларини Ўзбекистон пойтахтида қутлаш менга мамнуният бахш этади. Учрашувимиз самарали бўлишига аминман. Бу учрашув пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланаётган барча мамлакат ва ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тошкентдаги ялпи мажлисда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Жаҳон савдо ташкилотининг, Жаҳон банкининг вакиллари иштирок этаётгани унга алоҳида аҳамият бахш этади.

Бремен, Ливерпул пахта уюшмалари, Ню-Йорк пахта биржаси вакиллари шаънига табрик сўзлари айтишга ижозат бергайсизлар. Уларнинг мазкур мажлисдаги иштироки Ўзбекистон пахта индустрясининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ишончли тарзда кўрсатиб турибди. Республикамиз пахта индустариясини тарғиб қилишда «Коттон аутлук» нашриёти Ўзбекистон тўғрисида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаб, салмоқли иш қилди.

Бутун пахтачилик олами пахта экини қадимий даврлардан буён маълум бўлган Ўзбекистон заминида тўплангани чуқур рамзий маънога эга.

Бу диёрда истиқомат қилаётган кишилар қадимий замонлардан буён сахий заминда пахтани, айтишим мумкинки, зўр бериб, қатъият билан меҳнат қилишни, билим ва тажрибани талаб қиладиган бундай нозик, инжиқ экинни етиштириш билан шуғулланииб келади. Пахта Ўрта денгиз соҳилларига, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга Марказий Осиёнинг қоқ маркази — айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган.

Мустақиллигимизнинг беш йили мобайнида пахтачилик соҳасини ривожлантиришнинг стратегияси қайта кўриб чиқилди. Мазкур стратегиянинг мақсади янги илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда тола етиштиришнинг энг мақбул ҳажмини сақлаб қолган ҳолда пахта якка ҳокимлигини тугатишдан иборат. Мувофиқлаштирилган аграр сиёсатни ўтказиш — пахта етиштиришни барқарор қилиш, 1,3 миллион тонна рақобатбардошли тола ишлаб чиқариш имконини берди.

Шуни айтиш лозимки, янги навларни жорий этиш ва агротехникага риоя қилиш ҳисобига пахта майдонларини камайтириш республикамизга дон етиштиришни 3 баравардан зиёдроқ кўпайтириш имконини берди. Бу эса, пировард натижада, Ўзбекистоннинг дон мустақиллигини таъминлайди.

Бизнинг пахтамиз Европада етакчи ўринни эгаллаб, Жанубий Америка ва Жануби-Шарқий Осиёда етиштирилган тола билан муваффақиятли равишда рақобат қилмоқда, ҳатто АҚШ бозорига чиқиб олди.

Ўзбекистон асосий пахта етиштирувчи давлатлардан бири сифатида бу соҳани янада ривожлантириш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Айни пайтда пахтачиликда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг 1992 йилда пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасига аъзо бўлганининг аҳамияти беқиёсдир.

Бу ташкилотнинг ишида иштирок этиш фақат пахта етиштирувчилар учун эмас, уни қайта ишловчилар, экспортчилар, олимлар учун ҳам қимматли илмий-техника ахборотларини айирбош қилишни таъминлайди. Пировард натижада, мустаҳкам ҳамкорлигимиз туфайли, Ўзбекистон пахта етиштириш ва сотишнинг жаҳон тажрибаси марказига чиқиб олди.

Биз Жаҳон банки билан биргаликда республикада пахта етиштиришни қайта қуриш лойиҳасини ишлаб чиққан қўмита ва унинг котибияти мададини жуда қадрлаймиз.

Бизнинг асосий мақсадларимиз қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, пахта ҳосилдорлигини ошириш;

Иккинчидан, пахта толасининг сифатини яхшилаш;

Учинчидан, юқори сифатли уруғлик етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш;

Тўртинчидан, экинларни суғоришда сувни тежаш;

Бешинчидан, атроф-муҳитни соғломлаштириш, экология вазиятини яхшилаш.

Пахта лойиҳасининг муҳимлиги ҳисобга олиниб, ҳукумат қарори билан республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида бу лойиҳани амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган агентлик тузилди.

Ҳурматли дўстлар!

Пахта, бутун пахта саноати қудратли ва кенг тармоқли, юз минглаб кишилар банд бўлган инфраструктурани ўз ичига олади.

Бу соҳада қишлоқ хўжалик машинасозлиги муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам машинасозликни ривожлантиришда жаҳондаги эътироф этилган етакчилар билан биргаликда куч-ғайратларимизни бирлаштирмоқчимиз.

Бу йўналишда биз Американинг трактор ишлаб чиқарадиган «Камминз энжин» фирмаси ҳамда пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган «Кейс» фирмаси билан ҳамкорликни ривожлантирмоқдамиз. Бу ҳамкорлик деҳқончилик маданияти ва самарадорлигини оширишга, ҳосилни йиғиштириб олиш суръатларини тезлаштиришга имкон беради.

Британиянинг «Мередит Жонс» фирмаси билан биргаликда Фарғона водийсида амалга оширилаётган лойиҳалар жамоа хўжаликлари негизида пахта етиштириш ва йиғиштириб олишнинг илғор усуллари ҳамда пахтани қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар маркетинг асосида бутун қишлоқ хўжалик мажмуини қайта қуриш ва такомиллаштиришнинг янги моделини яратишга имкон беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ғўза жуда катта имкониятларга эга бўлган ноёб экинлардан биридир. Шу сабабли пахта фақат толани қайта ишлаш эвазигагина эмас, бошқа жиҳатлардан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда катта аҳамиятга эга.

Масалан, тозаланган пахта ёғи ишлаб чиқариш ҳажми 300 минг тоннани ташкил этади. Бу эса республика аҳолисининг юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлабгина қолмай, ёғни экспорт қилишга ҳам имкон беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Германиянинг «Луизентал» фирмаси билан биргаликда барпо этилган корхоналарда юқори сифатли қоғоз, шу жумладан пул чиқаришда ишлатиладиган қоғоз тайёрланмоқда.

Олдимизда ёғ-экстраксия заводларида тиббиёт ва техникада ишлатиладиган госсиполни катта миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ва ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, ғўзапоядан кенг кўламда селлюлоза ишлаб чиқариш вазифаси турибди.

Бироқ биз пахта савдосида Ўзбекистоннинг ўрнини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашни асосий вазифа деб биламиз. Биз Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда эгаллаб турган иккинчи ўринни сақлаб қолишга қатъий аҳд-паймон қилганмиз.

Шу мақсад йўлида пахта таснифи, маркетинг борасидаги илғор усулларни қўлланиш, ходимларни ўқитиш соҳасида хорижий компаниялар билан ҳамкорлик тобора тез суръатлар билан кенгаймоқда.

Масалан, «Донавант» (АҚШ) компанияси Мемфисдаги пахта мактабида, Рода коллежи қошидаги халқаро пахта институтида ўзбекистонлик мутахассисларга маркетинг ва пахта таснифи бўйича таълим беришда ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар имтиҳон топширганларидан сўнг АҚШ Қишлоқ хўжалик вазирлиги таснифчиларининг шаҳодатномасини оладилар.

Шунингдек, биз «ВЭКфилд» (Буюк Британия), «Эс Жи Эс», «Робертсон» (АҚШ) ва бошқа компаниялар билан ҳам биргаликда фаол ишламоқдамиз.

Яқин келажакда пахта сертификат омборлари қурилишига зарур сармоя ажратилади. Бу эса импортчиларнинг пахта толаси тури ва уни жўнатиш муддатларига талабларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларга яхши маълумки, Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайди. Демак, экспорт-импорт юкларини ташиш учун самарали транспорт йўлларининг мавжудлиги ташқи савдомизда жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан экспорт ва импорт товарларини ташишнинг янги йўналишлари ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Улар орасида Поти ва Батуми портларигача борадиган Транскавказ йўли бор. Шунингдек, Қозоғистондаги Дўстлик станцияси орқали Евроосиё темир йўлига қўшилиб, Хитойнинг Ян Юнгай портига чиқишга имкон берадиган Трансосиё темир йўлидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Бу — толамизни истеъмолчиларга қисқа муддатларда етказиб бериш имконини беради.

Ҳурматли меҳмонлар!

Биз Тошкентда Ўзбекистоннинг сахий замини деҳқон меҳнатига сахийлик билан ўз бойликларини ҳадя этадиган олтин куз пайтида тўпланиб турибмиз. Пахта заминимизда етиштириладиган маҳсулотларнинг энг муҳимидир.

Мен ушбу мажлиснинг барча иштирокчиларига меҳмондўст Ўзбекистонга келиш имкониятини топганлари учун миннатдорлик изҳор этаман. Барчангизга саховатли ўзбек диёрида бўлган вақтингиз самарали ўтишини, жаҳон пахтачилик соҳасининг гуллаб-яшнаши йўлида муваффақиятли ишлашни тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

## МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ КЎЗЛАБ

Алматида Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон давлат раҳбарларининг минтақада туғилган вазият юзасидан бўлиб ўтган учрашувларини бутун дунё эътибор билан кузатди, эътибор билан қулоқ солди. Ўзини ҳурмат қилган, ўз миллий манфаатларини яхши тушунган ҳар қандай давлат ўз чегаралари яқинида бўлаётган низолар, турли можаролар, урушларга бефарқ қараб туролмайди. Ҳам қўшнилар учун ва ҳам ўзи учун хавфсизлик, тинчлик-эминлик чораларини энг юксак даражада кўради. Бундай пайтларда бепарволик, сусткашлик кони зиён ва кечириб бўлмас зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳамдўстликка аъзо бўлган мустақил давлатларнинг Афғонистондаги воқеалар муносабати билан туғилган масалаларни келишиб ҳал қилганлари минтақа учунгина эмас, дунёнинг тинч-осойишталиги учун катта аҳамиятга моликдир.

Аввало нима кўзга ташланади бу учрашувларда?

Ёш давлатларнинг раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни тамомила янги даражага — ўзаро ҳурмат, тенглик, самимий биродарлик даражасига кўтарганлигини кўрдим. Фикрлар, нуқтаи назарлар бир-бирларини тўлдирар, бойитар, лекин асло талашмас ва бир-бирига ҳалақит бермас, тўсиқ бўлмасди. Илгари ҳеч қачон биз бундай тенглик ва бундай ҳурмат-эътиборни кузатмаганмиз. Миллий мустақиллик халқ, давлатнинг раҳбарларига шунчалар буюк ҳурматлар ато этар экан. Мустақиллик бўлмаса, бу ҳурматлар қайда эди? Брежнев ё Хрушчев сўйлар, бошқалар фақат маъқуллар ва таъзимда турар эди-да.

Мана, Президент Каримов Афғонистон воқеаларига баҳо бермоқда. Уларга ўз қарашларини баён этмоқда. Вазмин, ҳар томонлама ўлчанган, ўйланган ўй-мулоҳазалар.

Афғонистон бегона мамлакат эмас. Ҳаммадан ҳам яқин қўшнимиз. Минг йиллик алоқаларимиз, қондош-қариндошчилигимиз бор. Собиқ советлар Афғонистонда бошлаган уруш қанчалар оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Босқин тугади. Лекин ички босқин ташқи босқиндан ҳам ёмонроқ кўчди. Маълум бир тоифалар тиш-тирноқларигача қуролланиб мамлакатни уруш ва низо ваҳшатида ушлаб турибдилар. Умуммиллий манфаатларни бутунлай унутиб, маҳдуд, тор муддаолар кетидан қувмоқдалар. Мамлакатни қонга ботирмоқдалар. Қадим сивилизатсия маконларини бирма-бир вайрона қилмоқдалар.



Суратда: Алмати учрашувида

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Алмати учрашувида беш мустақил давлатнинг раҳбарлари Афғонистондаги уруш ҳаракатлари авжга чиқаётганлиги муносабати билан Баёнот қабул қилдилар. Улар тобора хатарли тус олаётган бу масалани БМТда, унинг Хавфсизлик кенгашида жиддий муҳокама қилиш, чоралар белгилашга қатъият билан даъват этдилар.

Шояд Болқонда, Ливанда, Исроил-Фаластин зиддиятларида, Африкада улуғвор тинчлик ишларини қатъият билан амалга ошириб келаётган БМТ эндиликда Афғонистон воқеаларига яқиндан муносабат билдирса, улар билан яқиндан шуғулланса, токи ўз-ўзини қовуштиришга имконсиз қолган халқнинг ўнгланишига мадад кўрсатса!

Ахир Афғонистоннинг Бўшна—Сербия — Хорватиядан нимаси кам!

**КУЗАТУВЧИ**

## САХОВАТЛИ, МЕҲНАТКАШ, ЧИНИҚҚАН

Президент Ислом Каримовнинг меҳнат кишилари билан учрашувлари доим завқ-шавққа тўлиқ бўлади. Уларда бутун халқ учун, унинг кундалик турмуши учун фойдали мулоҳазалар ўртага ташланади.

Назаримда бундай учрашувларда одамлар фикрлашга ўрганаётган, фикрларини чиниқтираётганга ўхшайдилар.

Куни кеча Сурхонда ҳам шундай завқли, фикрчан, хаёлга парвоз бағишлайдиган учрашувлар ўтди.

Президент мустақиллик сарҳадларида турган Ватан аскарлари билан давлат бошлиғи сифатидагина эмас, балки худди баайни кўп тажрибаларни кўрган туғишган акадай сўзлашди. Туғишган акагина шундай жонга, иймонга яқин сўзларни айтиши мумкин. Шундай хизматни дўндириб адо этаётган аскар уканинг елкасига қоқиб қўйиши, унинг қад-бастидан куч-қудрат ёғилиб туришидан ўзини ўта манфаатдор ҳис қилиши ва белини тортиб қўйиши мумкин.

Президент аскарларнинг қад-қоматини ушлаб туришига ҳам, қандай кийинганига ҳам, ўзини қандай тутишига ҳам — ҳаммасига жуда синчковлик билан қарайди. Мустақил мамлакатга хос миллий ҳарбий либослар кўзни қувонтиради. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳарбий либос-анжомлар, милитсия, хавфсизлик хизмати, йўл посбонлари хизмати, чегарачилар, божхона ходимлари, миллий авиатсия хизмати, темир йўл ва бошқаларнинг либослари мажмуаси энди-энди шаклланиб келмоқда. Бу либосларда ўзига хослик, пишиқлик, қулайлик, салмоқ-салобат, бир қарашда дарҳол ташқаридан ҳурмат-эътибор уйғотишга муносиб либослар яратилишига эътибор кучаймоқда. Бу ўта муҳим жараён давом этиши керак. Номларда эски империя асоратларидан изчил қутулиб бораётганимиз каби давлатнинг ҳарбий, ҳарбийлашган тузилмалари уст-бош, ярок-анжомларида ҳам эски империя асоратлари, ҳозир энди ўта ғашга тегадиган бўлиб қолган аломат, тамға ва нишонлардан ҳам бутунлай халос бўлиш зарур.

Шунинг учун Президент аскар йигитнинг собиқ совет белгиси туширилган камарини кўрганда, бош кийимда эски аломат, нишон қизариб кўзга ташланаётганлигини сезганда, дарҳол бунга ўз муносабатини билдирди.

— Булардан қутулиш керак энди, — деди ва буни ҳали тўла тушуниб етмаган зобитнинг бош кийимини аскарнинг бошига кийдириб қўйди.

Ўтган йили йўл назорати ходими билан орамизда шундай гап-сўз бўлиб ўтди.

— Мустақиллигимизга беш йил бўляпти. Бу советдан қолган нишонни қачон алмаштирасизлар? Давлат ўзгарди, жамият ўзгарди. Истибдод тугади. Наҳотки, эски давлатнинг нишонларини ҳамон бошимизда, белимизда, қўлимизда кўтариб юришимиз керак? — деб сўрадим.

Йўл назоратчиси қувноқ йигит экан.

— Не билайлик ака? Катталар билади-да... — деб жавоб қилди.

— Катталар билади-ку, лекин сизлар ҳам ўз фикрларингизни айтиб туришларингиз зарур.

— Катталар билади, ака.

Нишонларнинг ўз миллий давлатчилигимизга хос белгилари билан зудлик тарзда алмаштирилиши бир қадар катталарга боғлиқлигини мана, Президентнинг аскарлар билан учрашувида, тўлиқ англадим.

Баъзан бу ишларнинг адоси ўзларига боғлиқ бўлган катталар бу ишларга маблағ етишмаётганлигини сабаб қилиб кўрсатишади. Лекин давлатчиликнинг бу каби энг зарурдан зарур ишларига маблағ топилмаслиги мумкин эмас. Гап сусткашлигимизда бўлса керак.

Президент Сурхон пахта далаларини кўздан кечирди. Деҳқонлар билан кундалик зарур иш-юмушлар устида суҳбатлашди. Деҳқон учун икир-чикир иш йўқ. Унинг ер, экин-тикин, ҳосил, уруғчилик ва буларнинг келажаги тўғрисидаги барча гаплари муҳим. Президент деҳқон билан синчковлик билан сўзлашади, масалаларнинг ич-ичига киради, муаммоларни ўртага ташлайди. Саволлар қўяди, деҳқоннинг ўзи билан бирга жавоблар излайди.

Бинобарин, у пахтани илоҳийлаштиришга, пахтага сиғинишга, пахтани ифтихор манбайига айлантиришга барҳам берган кишиларнинг бири ва биринчиси. Пахтанинг ўзи эмас, балки уни етиштирган ифтихор манбайи бўлиши мумкин. Лекин истибод даврларида пахтага сиғинишни жорий қилган эдилар. Чунки пахтага империя кўзи билан, буюк давлатчилик кўзлари билан қаралардилар. Пахта қўрқинч ва сиғиниш манбайига айлантирилган эди. Пахта билан қўрқитиларди, қўрқитиш ортидан сиғиниш тарбияланарди. Деҳқоннинг мияси шу қўрқинч ва сиғиниш билан тўлдириларди. Шу қўрқув забтида у кимё-пимёга қараб ўтирмасди. Жигарини заҳарли далага тўкиб келарди. Президент ўша замонларни яхши билади.

— Пахта деб ўлиб кетамизми? — деб яна аччиқ саволни такрорлади. — Йўқ. — деди у яна ўйланиб туриб. — Пахтага хирс қўйган замонлар ўтиб кетди. Энди у бизни ўзига қул қилиб ололмайди. Унга энди соғлом деҳқон кўзи билан қарашга ўрганайлик. Ҳосилни вақтида етиштирайлик. Вақтида йиғиб-териб олайлик. Қиш келиб қор тушгунча унинг қора кўсак шапкаси устида айланавермайлик. Вақтимизни бой бермайлик. Тез пишсин, тез олайлик, тез бошқа юмушларимизни қилайлик. — Президентнинг деҳқонлар билан суҳбатлари ўта мароқли. Кўп ўйлатади. Нурли умидларни қанотлантиради.

**МУҲАРРИР**

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ

2 октябр куни Тошкентда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг навбатдаги III пленуми бўлиб ўтди.

Пленумга республиканинг барча вилоятлари ва туманлари, шаҳарларидан партия фаоллари йиғилдилар.

Пленум кун тартибида «Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, маънавий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва миллий тикланиш», «Бошланғич таълимнинг такомили ва унда партия ташкилотларининг иштироки» тўғрисидаги масалаларни кўрди ва муҳокама қилди. Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди. Пленум Азиз Қаюмовнинг партия Марказий ҳайъати раиси лавозимидан ўз хоҳишига кўра бўшатиш ҳақида берган аризасини кўрди. Унинг илмий-ижодий фаолият билан бандлигини ҳисобга олиб аризаси қондирилди.

Пленум Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Раисининг биринчи ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Ғафуровни партия Марказий ҳайъатининг раиси этиб сайлади. Шунингдек, пленумда Азамат Зиё (Зиёев) марказий ҳайъат Раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайланди.

Партия анжуманида кўрилган масалалар юзасидан Азиз Қаюмов, Жўра Йўлдошев, И. Ғафуров, Т. Тошлонов, Н. Фозилов, А. Расулов, Сайфи Жалил, И. Абдуллаев, Ф. Жамолов, Асқар Ортиқов, Комилжон Мирзаев, Т. Маҳмудов, Ҳ. Абдуллаев, К. Норматов, Т. Низом партия фаолиятининг долзарб масалалари юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар, қимматли таклиф-тавсиялар киритдилар.

Пленумда Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг сўзи катта қизиқиш уйғотди. У бошланғич таълим соҳасидаги Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларни ҳар томонлама таҳлил қилиб берди. Айниқса, болаларни мактабга тайёрлаш масаласига алоҳида урғу берди. Бу борада чуқур ўйланган мезонлар ишлаб чиқишнинг аҳамияти устида кенг тўхталди. У Ўзбекистондаги таълим-тарбия, таҳсил жараёнларига ҳозирги замон жаҳон таълими меъёр ва мезонлари нуқтаи назаридан қараш, шунга кўра қадам ташлаш зарурлигини уқтирди. Бошланғич таълимга ёлғиз мактабнинг ўзигина эмас, деди вазир, балки ота-оналар ҳам, маҳалла ҳам, бутун жамоатчилик тайёргарлик кўриши ва айниқса, ҳар бир ота-она тайёр бўлиши зарур. Булар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетади.

— Боланинг мияси тўла савол, — деди вазир. — Хўш, биз унинг барча саволларига тўла ва етарлича ҳамда ҳаммавақт жавоб беришга тайёрмизми? Бошланғич таълимда муваффақиятларга эришмоқ учун ана шу саволга тайёр бўлайлик.

Пленумда гап кенг маънода дарсликлар, болалар нашрлари, боғчаларнинг аҳволи, бошланғич таълим муаллимларини етиштириш, бошланғич таълимга санъат дарсларини кенг, дадил олиб кириш, бир сўз билан айтганда, талантли наслни вояга етказиш йўлида қилиниши зарур вазифалар устида борди. Пленумда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг аҳамияти, партиянинг оммавий-ташкилий ишларини юқори савияга кўтариш борасида ҳам кенг фикр алмашилди.

Партия катта маънавий-маърифий потенсиалга эга. Шу потенсиал заминида сиёсий ишларни жонлантириш, жамиятнинг фаол сиёсий кучи сифатида майдонга чиқиш, халқнинг эътибори ва ишончини қозониш ҳар бир партия аъзосининг фаоллиги, фидокорлиги билан боғлиқ бир ишдир. Зотан Миллий тикланиш фидокорлик ва ҳаёт партиясидир.

2-бет

# ПАРТИЯ ЎТИШ БОСҚИЧИДА

***Жамиятимиз ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Бу бир жамият, бир тузумдан бутунлай бошқа бир жамият, бошқа бир тузумга ўтиш босқичидир. Давлат бошлиғимизнинг асарларида ўтиш босқичининг ижтимоий-иқтисодий белгилари аниқ-равшан тасвирлаб, таҳлил қилиб берилган. Шу баҳо ва хулосаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бизнинг давримиз ҳақиқий маънода ўтмиш асоратларни, мустамлакачиликнинг ранг-баранг иллатлари, чигалликлари, бадхўйликлари, миллат ҳаётини ҳар томонлама бўғиб ташлашларини қатъият билан изчил ва дадил ёриб ўтиш босқичидир. Узоқ йиллар қотиб қолган ижтимоий асоратларни ёриб ўтиш халқдан жасорат, ғайрат ва кучли салоҳиятларни талаб этади. Партия пленумида шу ёриб ўтиш босқичининг ўзига хосликлари тўғрисида ҳам гап борди.***

Бобил ҳам, Масков ҳам бир кунда қурилган эмас. Асрларнинг садолари муҳрланмиш Миср эҳромларини кўкка кўтариш учун неча-неча минглаб одамларнинг неча ўн йиллаб азиз умрлари сарф бўлган. Инсоният ўзининг бугунги зиддиятларга тўла маданий жамиятларини жуда секинлик билан қурган ва ҳар бир натижага кўплаб қурбонлар бериб эришган.

Ижтимоий жараёнларни бошқариш мумкин. Лекин уларни тезлаштириб бўлмайди. Ижтимоий жараёнларни тезлаштиришга уринганлар ўзлари билмаган ва ҳисоб бермаган ҳолда орқага қайтадилар. Чунки тезлаштиришга уринишлар инсоният тарихида доимо акс натижалар берган. Инсоният тарихидаги револютсиялар ижтимоий жараёнларни зўрлаб тезлаштиришга уринишлардан бошқа нарса эмас. Ва бизга ҳамма револютсияларнинг тақдири ҳам яхши маълум. Ҳатто Лениннинг улуғ револютсияси ҳам ҳар қанча зўравонлик қилмасин, ҳар қанча қон тўкмасин, ҳар қанча тарихни ўзгартиришга ва тезлаштиришга уринмасин, оқибат қонуний қисматга учради. Зўрлик билан қурилган империя завол топди. Бу ҳам ижтимоий жараёнларнинг эволютсион тараққиёт қонуниятларига қарши бориб бўлмасликнинг энг сўнгги ва энг ваҳшатли тажрибаси эди.

Узоқ йиллар қурилган иморатлар минг йиллар ўтса ҳам, заволга учрамаганлигининг сабаби шунда.

Улуғ Амир Темур таваллудининг 650 йили ўтиб, ниҳоят Темур буюк давлатининг қоқ юрагида — қадим Турон ва Мовароуннаҳрнинг кўкрагида ватанпарвар ва миллатпарвар ўғлонларнинг жасоратлари билан яна мустақил ўзбек давлати тикланди. Яна ўз миллий байроғимиз баланд кўкларда ҳилпиради. Яна неча минг йиллик тарих ўз ўлмас қадриятлари ва шон-шавкатлари, ўта зиддиятли асрларнинг ибратомиз тажрибалари билан бағримизга қайтди, халқнинг ўзлигини англаш, миллат сифатида бирлашиш, дунёда ўрнига эга бўлиш, синалган тараққиёт йўлларидан дадил боришида ҳар жиҳатдан мададкор бўлмоқда.

Ўтган беш йил кейинги минг йилликнинг ниҳоя нуқтасида турганлиги учунмикин ё бошқа етилган ижтимоий сабаблар ва қонуниятлар боисмикин, Яратганнинг иноят ва марҳамати билан Ўзбекистон учун шон-шараф йиллари бўлди. Мен андак кўтаринкироқ сўзлар айтаётганлигим учун узрлар сўрайман. Лекин узоқ замонларнинг оғир армонли зиддиятларидан сўнг халқнинг миллий мустақилликка эришмоғи толенинг бизга мислсиз инояти ва кўкларнинг шараф китобига ёзилган тортиғидир. Шу халқ, шу давлат, шу мамлакат ўзининг неча минг йиллик маданий тарихи баробарида шу шарафга сазовор эди.

Бизнинг тошларга битилган Урхун китобларимиз шунга сазовор.

Олтойдан Оқ денгиз бўйларигача яшаган аждодларимизнинг ҳамиша бирлашишга интилиб келганликлари ва аҳлликни энг олий аҳлоқ сийрати деб қабул қилганликлари шунга сазовор.

Ўз юрти озодлиги учун жондан кечган энг қадим қаҳрамонларимиз шунга сазовор.

Кейинги минг йилликнинг ўзида тарих майдонига дов солиб чиққан туркий давлатларнинг маданий-маърифий мерослари шунга сазовор.

Темур ва темурийларнинг жаҳон маданияти тараққиётига қўшган мислсиз улушлари шунга сазовор.

Мислсиз достонларимиз, қўшиқларимиз, эртак-афсоналаримиз, қутлуғ илмларимиз, ҳақиқатлардан совғалар қидиришимиз шунга сазовор.

Улуғ Навоийнинг адолатли миллат, адолатли йўл ва адолатли инсон яратиш йўлидаги буюк ҳаракатлари ва мислсиз ижодий парвозлари шунга сазовор.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги жаҳон таълимида «миллий шахс» деган тушунча мавжуд. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Нақшбанд сингари боболаримиз бу тушунчани «комил инсон» деб таърифлаганлар. Йигирманчи асрда дунёга келган ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун курашда туғилган «миллий шахс» тушунчаси комил инсонга баробардир. Комил инсонгина миллий шахс бўлиши мумкин. Миллат эса ана шундай комил инсонлардан, миллий шахслардан таркиб топади. Шахснинг миллий шахс бўлишга интилиши ва ҳаракати — миллатнинг миллий равнақи омилидир. Айтмоқчиманки, Навоий мана шундай миллатнинг асоси бўладиган, миллатнинг мағзи бўладиган, миллатнинг маъноси ва мазмуни бўладиган адолатли миллий шахсни тарих саҳнасига олиб чиқиш, вояга етказиш, тарбиялаш ва шундай миллий шахслардан миллат бирлигини шакллантириш учун улуғ сайъ-ҳаракатлар олиб борди.

Биз Навоий ғояларини ўз миллий ғояларимиз деб биламиз. Миллий давлатимиз маънавий сиёсатига Навоий ғояларини асос қилиб қўямиз. Истиқлол шарофати ва истиқлол обу ҳавосида туғилган Миллий тикланиш партиямизнинг Дастурига ҳам миллий шахс — комил инсонни етиштириш ғоясини қўйганмиз.

Бу партия, бундай партия не-не улуғ зиёлиларимизнинг орзуси эди. Улар шундай партия яратиш, шундай партия билан халқ ичида ишлашни орзу қилган эдилар. Партиямиз ўз сиёсий интилишларида табиийки, шундай инсонларни тарбиялаб ўстиришни бош мақсад қилиб қўяди ва ўз партиявий фаолиятида шундай инсонга суянади.

Беш йил мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш йиллари бўлиб тарихга кирди. Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш, қарамликдан мустақилликка ўтиш, барча йўқотилган нарсаларни топиш ва қайта кашф этиш, мамлакатда яшовчи барча миллатлар билан бир ёқадан бош чиқариб, обод ва озод Ватанни қуриш — беш йил ичида шуларга эришишнинг ўзи афсонага ўхшаб туюлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тоталитар қарамликдан чиққан, миллий озодликка эришган мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлларини назарий жиҳатдан аниқ белгилаб берди, миллий ривожланишнинг амалиётини яратди. Миллий мустақилликнинг илк даврида давлатни бош ислоҳотчи ва барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларларнинг ташаббускори деб эълон қилди. Бу миллий тараққиётнинг асосига қўйилган беш тамойилнинг бири.

Давлатнинг Президент етакчилигида ислоҳотларнинг бошида туриши, ўзи илғор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқиши, жамият ҳаётини ҳар жиҳатдан демократлаштиришга ташаббускор бўлиши — мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнларини тезлаштирди, жамиятнинг катта мақсадга эришиш йўлида жипслигини таъминлади, малакатда ишончли тартиб-интизом ўрнатди. Демократик тараққиёт учун муҳит ва шароит барпо этди. Ўтиш даврида кутиш ва кузатиш мумкин бўлган турли тартибсизликлар, жиноятчиликнинг урчиши, қонунларга риоя қилмаслик, уларга менсимай қараш, четлаб ўтишга уринишларга барҳам берди. Жиловни маҳкам тутди. Давлат эркинликнинг масъулиятини ўзи биринчи бўлиб ҳис қилди, ўзи шунга риоя этди ва жамиятда ҳам эркинликнинг масъулиятини устивор ҳодисага айлантирди. Эркинлик ва демократлаштириш юксак масъулият билан уйғунлашгани учунгина янги ёш мустақил давлат шароитида бўлиши мумкин бўлган турли талафотларнинг олди олинди. Демократлаштириш ва масъулиятнинг бирлигидан тараққиёт учун қулай шароит туғилди. Эгасизликдан эгаликка ва тобеликдан эркинликка ўтишнинг кўпдан кўп мушкулликлари ва муаммоларини таназзулларга ғарқ бўлмай енгиб ўтишда — бир сўз билан айтганда, ўтмиш асоратлари қобиқларини дадил ёриб ўтиш босқичларида давлатнинг ташаббускорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Албатта, демократлаштириш кучайган, ислоҳотлар енгилмас, мунтазам ижодий жараёнга айланган сайин давлат ўз ташаббускорлик функсияларининг бир қисмини жамоат ташкилотлари, миллий мустақиллик институтларига бўшатиб беради. Бошқа давлатларда қандай? Айтолмайман. Лекин Ўзбекистонда турли жамоатчилик марказлари ва айниқса жамғармалар тузилаётгани, ишлаётгани беқиёс аҳамиятга моликдир. Жамғармалар давлатчилик вазифаларининг бир қисмини ўз елкаларига оладилар ва давлатчиликнинг муҳим устунлари каби ҳаракат қиладилар. Давлатда кейинчалик унинг бош ва асосий вазифаси — ҳимоя қилиш ва қўриқлаш, таъминлаш ва шароит яратиш вазифаси қолади. Ислоҳотлар ва демократлаштиришнинг изчил тараққиётида жамоа ташкилотлари, партиялар, эркин матбуот, радио, ТВ, жамоатчилик, турли ҳаракатлар асосий рол ўйнайди. Президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг кейинги сессиясида қилган маърузасида ижтимоий тараққиётимизнинг янги босқичида мана шу жамоатчилик кучлари ва институтлари бажарадиган вазифалар ва улар ўйнайдиган рол устида теран мулоҳазаларини баён этиб ўтди. Бу рол ва бу вазифалар уларнинг айниқса, демократлаштиришга, жамиятни янгилашга, истиқболни таъминлашга қўшадиган ҳиссаси билан белгиланади.

Президент фикрича, янги шароитда ушбу демократлаштириш институтлари фаолиятида **мулоқот ва таъсирчанлик** асосий ўринни эгаллайди. Мулоқот фикр алмашиш, эркин фикр баён этиш, ҳар қандай чигал, зиддиятли масалаларни ўзаро келишиб, мулоҳаза ва музокара юритиб ҳал этиш, ечишга софдил, ҳалол имкониятдир. Биз Миллий тикланиш партиямиз учун ана шу принсипни — ҳаракатимиз, фаолиятимиз учун бош принсип қилиб оламиз. Партия омма билан ҳар томонлама зиёли мулоқот олиб боради.

Ўзбекистон учун жуда характерли бир ҳолки, Президентимизнинг ташқи ва ички сиёсатида, бошқариш ва муаммоларни ечишида мулоқот усули бош, етакчи усулга айланган. Биз юртбошимизни доим мулоқот жараёнида ва мулоқотларнинг марказида кўришга одатланганмиз. Хорижий мамлакатлар, уларнинг раҳбарлари, савдо-саноат, молия, бизнес, банклар, матбуот, турли йўналишдаги халқаро ташкилотлар, БМТ, ЮНЕСКО, ЭКО, Ҳамдўстлик мамлакатлари билан олиб борилаётган мулоқотларда дунё Ўзбекистонни танимоқда, Ўзбекистонга ишончи ортмоқда, мамлакатимизни ишончли ҳамкор, шерик ва дўст деб билмоқда. Ўзбекистонга янги қурилишлар учун сармоя-маблағлар келиши, энг замонавий технологиялар билан таъминланиш, ёшларнинг ўқиши, малака ошириш, ранг-баранг соҳаларда тажрибалар алмашиш тобора интенсив тус олмоқда. Буларнинг бари мулоқотлар самарасидир. Партиямиз ана шундай мулоқотлар тарафдоридир. Кенг миқёсдаги ана шундай мулоқотларни қўллаб қувватлаймиз. Чунки демократик ислоҳотлар,демократик қадриятларни англаш ва улар билан қуролланишда партия учун мулоқотлардан кўра ҳам таъсирлироқ усул йўқ. Кишилар психологиясини ўзгартириш, аҳоли сиёсий фаоллигини оширишда, Ғарбу Шарқдаги дўстларимиз билан муомала-муносабатларда ҳам мулоқот — ҳақиқатни англаш ва унга йўл очишнинг энг безавол ва ёрқин оммавий-сиёсий йўлидир.

Ўзбекистон кириб бораётган янги босқичда, янги иқтисодий марраларни эгаллашда, тараққиётнинг янги бир нафас ўлчовини топишда жамиятни демократлаштириш асосий вазифа бўлиб қолади. Демократлаштириш эса аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлангандир. Президент олтинчи сессиядаги сўзида демократия ҳар бир жамият аъзоси фаолияти ва ҳаётининг узвий бир қисмига айланиши зарур деган фикрни билдирди. Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. У изчил тарбия, изчил таҳсил, изчил тарғиботда ва айниқса, изчил мулоқотлардагина хусусият касб этиши мумкин. Партиямиз ўз сиёсий мулоқотлари ва тарғибот-ташвиқотларини ана шунга кўра қуриши керак бўлади.

Биз сиёсий партиямиз, шу билан бирга биз ҳаёт партиясимиз. Чунки бизнинг фаолиятимиз — сиёсий-маърифий фаолиятимиз ҳаёт ва жамиятнинг ҳамма соҳалари, барча қирраларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам биз миллий тикланиш номини олганмиз. Асли бизнинг эндиги ҳаёт, турмушимизда миллий тикланишдан истисно бирон соҳа, бирон жой, йўл йўқ. Тиклаш — яна чорак аср умримиз ва ҳаётимизнинг асосий мақсади бўлиб қолаверади. Миллий тикланиш бу — замоннинг талаби. Миллий манфаатлар, миллий эҳтиёжлардан туғилган талабдир. Бу талабларни адо этиш баробарида биз ўзимизни, ўз тажрибасизлигимиз, журъатсизлигимиз, ёшлигимизни енгиб борамиз. Елкамизга олган мажбуриятларни адо этишда ирода ва салоҳият касб этамиз.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

**Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси III пленумида қилинган сўз асосида.**





*«МТ»: воқеалар, хабарлар*

## УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ

Ривоят этишларича, хазрат Навоий ўзига таълим берган устознинг ҳаттоки фарзандини куриб қолган маҳал ҳам отидан тушиб, қуюқ салом берарқан.Илло,эл билиб айтмиш: устоз отангдан улуғ.

Ўтган якшанба куни биз Халқ таълими ходимлари кунини нишонладик.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн мингга яқин умумтаълим мактаблари бор. Уларда оз эмас, нақ беш миллион ўқувчи таълим олмоқда. Эътиборли томони шундаки, мактабларнинг ярмидан кўпроғи МДҲ ва хорижда чиқарилган компютерлар билан жиҳозланган.

Албатта, ўқув қуролларию замонавий жиҳозлар ўз йўллига, ҳамишагидек, бугунги мактабларимизда асосий масъулият бари бир ўқитувчилар, мураббийлар зиммасида.

Замонавий мараббий — миллий анъаналар, бебаҳо мерос билан бир қаторда энг илғор педагогик тажрибалардан ҳам бохабар зиёли ҳамдир. Шу мақсадда ҳар йили юзлаб ўқитувчилар ривожланган Оврупо ва Осиё мамлакатларида, жумладан, Франсия, Германия, Англия, Япония, Исроил, Туркия ва бошқа давлатларга бориб, тажриба алмашиб келмоқдалар. Зеро, бугунги ўқувчилар талаби ҳам шунга яраша. Улар турли мамлакатлар таълим тихимидан бохабар, қиёслаш, чоғиштириш, баҳолаш ва танлаш имкониятига эга авлод, ахир.

Байрам арафасида Президентимиз Фармонига асосан 412 нафар халқ таълими фидокорлари давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Дарвоқе, келгуси йилдан бошлаб биринчи октябр ўқитувчилар ва мураббийлар куни ҳамда шу куни дам олиш деб эълон қилиниши ҳам устозларга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг, эҳтироминниг бир кўринишидир.

Бу йил барча умумтаълим мактабларида яна бир янгилик рўй берди — биринчи синфга келган кичкинтойлар лотин алифбосига асосланган таълим тизимига тўла ўтдилар. Бу ҳол ҳам зиёлиларимиз зиммасига улкан масъулият юклаши шубҳасиз.

Хуллас, инсонга ҳам ҳарфни танитадиган, ҳам Сўзни, ҳам Ўзини англашига боис бўладиган Устоз ҳақида ҳар қанча сўзласак оз. Шундай пайтлари ҳазрат Навоийнинг яна бир пурҳикмат байти ёдга тушади:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,**
**Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...**

## АЙЁМ ЯҚИН

Буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги дунё миқёсида тантанали нишонланадиган кунлар тобора яқинлашиб келмоқда. Шу билан бир қаторда ушбу қутлуғ айёмга бағишланган турли тадбирлар ҳам тобора кўпаймоқда. Яқинда Самарқандда Германиянинг бизга яхши таниш Конрад Аденауэр, ўзимизнинг халқаро Амир Темур жамғармалари ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этган «Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти» мавзуида уч кун давом этган йирик халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Амир Темур — Турон фарзанди. Худди шу сабабли Бишкекда «Темур ва Темурийлар даврида Қирғизистон» мавзуида илмий-амалий конференсия бўлиб ўтгани бежиз эмас. Унда иштирок этган таниқли олимимиз Ҳамид Зиёев «Темур ва унинг даври», олима М. Холматова эса «Амир Темурнинг аёлларга муносабати» мавзуларида маъруза қилдилар.

Куни кеча, 5 октябр куни эса кўҳна Шаҳрисабзда Амир Темур қадамжолари бўйлаб марафонча югуриш мусобақаларига старт берилди.

Юртимиз тарихида ўзига хос рекорд ўрнатадиган узоққа югурувчилар нақ 1300 километр йўлни босиб ўтиб, 17 октябр эрта тонгда Тошкентга кириб келадилар. Югурувчилар соҳибқирон пойқадами теккан Шаҳрисабздан Ғузор, Косон, Муборак, Бухоро, Ғиждувон, Қизилтепа орқали Навоийга борадилар. Сўнг Каттақўрғон, Самарқанд, Жиззах, Гулистон, Сирдарё...

Олис масофага югурувчилар барча вилоят ва туманларда алоҳида эҳтиром ва қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Ўтган ҳафтанинг 1-4 октябр кунлари «Уз ЭкспоМарказ»да ELCOM ASIA ELCOM OFFICE деб номланган учинчи Халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг энг илғор фирмаларининг турли-туман компютерлари, телекоммуникатсия, офис жиҳозлари, энергетик ва электротехника янгиликлари намойиш қилинди. Унда 70дан ортиқ фирма ўз маҳсулотлари билан қатнашганлиги ҳам кўргазмага бўлган қизиқишдан далолат бериб турибди. Зеро, мутахассисларнинг шоҳидлик беришича, кейинги икки-уч йил ичида, айниқса, турли компютер техникасини тасарруф қилиш бўйича жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига Ўзбекистон ҳам далил қадамлар билан кириб бормоқда. Кўргазмада кўплаб ҳамкорлик шартномалари имзоланиши учун ҳам шароит яратилди.

**Г. МУРОДАЛИЕВА**

# АЛАҲСИРАШ

**Донишмандлардан бирига шундай савол беришибди: «Ниманинг чаққани ёмон?». «Ҳайвонлардан илоннинг, одамлардан ёлғончининг!» дея жавоб берибди донишманд.**

***Сўнгги пайтларда айрим Москва нашрлари ўз ўқувчилари эътиборини нима қилиб бўлса-да, Ўзбекистонга қаратиш қайғусига тушиб қолдилар. Коса тагида нимкоса борлигини билмаган ўқувчи «Хўш, бунинг нимаси ёмон? Мустақил Ўзбекистонимизга жаҳон назари тушиб турган, иқтисодий-ижтимоий тараққиётимизнинг ўзбек модели дунё мутараққий давлатлари томонидан эътироф этилган бир пайтда шимоллик қўшниларимиз ҳам қизиқишаётгандирлар-да», дея мулоҳаза қилиши мумкин.***

***Таассуфлар бўлсинки, «Независимая газета», «Сегодня», «Комсомольская правда», «Московская правда», «Известия» газеталари ва бошқа бир қатор нашрларнинг тахламлари билан танишиш беихтиёр шундай таассурот уйғотадики, бу мақолалар бир мақсадда — Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиш, аниқроғи, Ўзбекистон ва унинг теварагидаги барқарор вазиятга рахна солишни кўзда тутиб ёзилган.***

Лисонимизда тан ҳарорати кўтарилганида одамнинг тиббий ҳолатини ифодаловчи шундай бир сўз бор: важара. Иситма важара қилган одам сўзига эгалик қила олмай қолади — алаҳлайди. Нима деяётганининг фаҳмига бормай, росту ёлғонни фарқлаб ўтирмай, бўлар-бўлмас гапларни айтаверади.

«Независимая газета»нинг 25 сентябрь сонида эълон қилинган мақола номини қаранг: «Гражданлар уруши мамлакатни парчалаб ташлашга олиб бормоқда». Тагсарлавҳа бундан-да ажабтовур — «Тожикистонни бўлиб юбориш хавфи замирида «буюк Ўзбекистон» барпо этиш ғояси ётибди». Мақолада ёзилишича, «Ўзбекистон республикасининг Турсунзода ва Ленинобод вилоятининг қатор туманлари каби бир қанча шимолий ҳудудларини ўзига қўшиб олди.

Тожикистондаги гражданлар уруши даврида Ўзбекистон махсус хизмати ходимлари ҳар икки урушаётган тожик кучлари томонида фаолият кўрсатиб, улар ўртасида нафрат, адоват ва низо уйғотган».

Ҳаётга назар солган киши бу гапларнинг чиндан ҳам алаҳсираш эканлигини билиб, ёқа ушлайди: Астағфурулло!

Ахир, мақолада келтирилган ҳудудлар қандай бўлса шундайлигича суверен Тожикистон таркибида эканлиги беш қўлдай аён-ку! Бу ўринда чечен-рус урушида тўкилган қонлар камлик қилгандай, мутлақо тўқиб чиқарилган «тожик-ўзбек зиддиятини» кўмсаётганларнинг қўли борлигини яққол сезиш мумкин.

Бир ёлғон чиппакка чиқиб қолса, бошқаси кор қилиб қолар, деган илинжда «Ўзбекистонда 6 миллион тожик яшайди, бутун республика бўйича эса 10 тожик мактаби бор», деб иккинчи бир ёлғонни тиқиштирганига нима дейсиз? Эслатиб қўймоқчимиз: Ўзбекистонда 1 миллион 100 мингдан зиёд тожик яшайди ва бу аҳоли умумий сонининг 4,8 фоизини ташкил қилади. Тожик мактаблари сони эса 293 та. Шунингдек, 539 рус, 288 қозоқ, 28 қирғиз, 37 туркман мактабларида мустақил мамлакатимизнинг ёш авлоди ўзбеклар қатори тенг шароитларда таълим-тарбия олишмоқда.

Мазкур мақола, бир сўз билан айтганда, бориб турган бузғунчилик. Энг ёмони, қўшни, қондош-қариндош икки республика ўртасида миллатлараро адоват уйғотиш, тарихан шаклланган сарҳадларни бузишга қаратилган душманлик акциясидир.

Очиғини айтиш керак, Россия нашрларида мустақил Ўзбекистонни салбий рангларда кўрсатиш, барча жабҳаларда ҳаётини миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойиллар руҳида янгилаётган озод халқнинг бунёдкорлик меҳнатини камситишга қаратилган мақолаларга ўрин берилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, халқаро муносабатларда эришаётган ютуқларимиз оламга аён. Чамаси, бу айрим пинҳоний кучларга маъқул келмаяпти. Яна ўша «Независимая газета» 27 сентябр сонида шундай деб ёзади: «Ўзбекистон мустақиллиги байрам қилинган кунларда «мустақиллик» сўзини одамлар «мустаҳкам қуллик» деб аташаяпти». Бу, аслини олганда, мустақиллик йўлида дадил илгарилаб бораётган давлатни ўзгалар нигоҳида бадном қилишга бўлган уринишдир.

Ўзбекистон мавзуида «донишманд»лик қилиш борасида «Комсомольская правда» газетаси ҳам орқада қолмасликка чиранаётган кўринади. Айнан шу газета Чеченистон ҳақидаги «Ҳалокатли транзит-1» деб номланган мақолада уялмай-нетмай «эртак» тўқийди. Бу «эртак»да ҳикоя қилинишича, гиёҳвандлик моддалари Афғонистондан расмий равишда «Дудаев режими» учун Грозныйга «Самарқанд» аэропорти орқали «ўтказиб қўйилган» эмиш. «Ишончли манбалар»дан айтишларича, бу ишга «юксак мартабали раҳбарлар» аралашган. «Эртак»ларига ўзлари ишонишсин! Ўзбекистон сарҳади халқаро гиёҳвандлик бизнесига мустаҳкам қўрғон бўлиб турибди. Ўзбекистон орқали олиб ўтилмоқчи бўлинган, қўлга туширилган ва мусодара қилинган тонналаб гиёҳванд моддалар расмий доиралар ва журналистлар иштирокида йўқ қилинганлиги ҳақидаги Халқаро ташкилот ҳисоботи ўзимизда ва чет эл матбуотида кенг ёритилди.

Табиийки, газета умид қилган шов-шув унинг ўз саҳифасидаёқ жон таслим қилди. Газета эса мисқоллаб йиғиб келаётган обрўйини ўз ўқувчилари олдида ботмонлаб йўқотди.

Сирасини айтганда, ақл бовар қилмас, ажабтовур ёлғонларнинг бири пуфакдек ёрилиши билан бошқа бир нашрда унинг иккинчиси пайдо бўлади. Бугунги кун ҳаётига оид иш бермаса, тарихдан ўтирик сўзласак ишониб қолишар, деб хаёл қилишади, номаълум манбаларга «асос»ланишади. Мисол учун, «Известия» газетаси («Темур ворислари ўз йўлларидан бормоқдалар». 1996 йил 1 октябр) ёзишича, 1864 йили «Тошкент ҳокими шаҳарнинг барча 12 дарвозаси калитларини генерал Черняевга Қўқон хонлигидан шаҳарнинг ҳимоячиси» сифатида топширган эмиш. Жаноб журналист, чамаси, Тошкент, аввало, Қўқон хонлигига қараганлигини, Тошкент ҳимоясида хон навкарлари турганлигини, генерал Черняев шаҳарни очлик ва сувсизликка маҳкум этиб, бегуноҳ одамлар қонини тўкиб босқин билан олганини, ён-атрофдаги қишлоқларда ҳатто бешикдаги болаларни тиғдан ўтказдирганини билса ҳам, билмасликка олади ё билишни истамайди.

Ҳа, мана шундай алоқ-чалоқ гаплар. Шундайку-я, аммо алаҳсираётган одамнинг кўнглида нима муддао ётганлигини ҳам айтмасак бўлмас.

Келинг, буни айтишдан аввал мустақиллик арафасидаги ва унинг дастлабки йилларидаги ҳаётимизга бир назар солайлик. Шўролар давридан бизга нима мерос қолган эди? Тарихи таҳқирланган, маънавий мероси топталган, далалари-ю аҳолиси заҳарланган, саноати ривожланмаган аграр бир ўлка. Мутелик ва қуллик асорати. Давлат бошқаруви издан чиққан, пароканда ижтимоий ҳаёт. Ўша йилларда кўп нарсалардан тахчиллик бўлиб, очарчилик остонасига бориб қолганмиз.

Бирин-кетин рўй берган Фарғона, Паркент, Бўка, Ўш фожиалари. Мана шундай бир шароитда мустақилликка эришиб, юртбошимиз раҳбарлигида янги ҳаёт қуришга киришдик. Энг аввало, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, аҳиллик ва миллатлар ўртасида тотувлик қарор топди. Республикамиз тараққиётининг бешта асосий қоидага асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий тамойилларини ишлаб чиқдик ҳамда уларни изчил, босқичма-босқич амалга оширишга киришдик. Бугун фахр ва ифтихор билан айтамизки, жонажон диёримиз дунё мамлакатлари шодасида маржондек товланиб турибди. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва иштироки тобора юксалиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маънавий янгиланиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон модели ўзини тўлатўкис оқлаганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундан бутун халқимиз, бизга дўст кўзини тиккан олис-яқиндаги барча хайрихоҳ кишилар мамнун.

Ўзбекистонни яна қайтадан мустабидлик комига тортмоқчи бўлганлар доғда қолишди. Мана шу аламзадалик Россиядаги айрим сиёсий кучларнинг уйқусини ўчирмоқда. Улар мартабали нашрлар журналистларининг бошларини айлантириб, ўзларига оғдириб, ноғораларига ўйнатмоқдалар. Бундай пинҳон кучларнинг мақсадлари аён: Ўзбекистондаги барқарор вазиятга раҳна солиш. Бир халқни иккинчи бир халқ номидан бадном қилиб, ораларига низо уруғи сепиш, ва ниҳоят, ўзбек халқининг миллий шаъни, миллий ғурурини камситиш. Шу йўл билан иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда қадамбақадам, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни обрўсизлантиришдан, чет эл инвестициялари йўлига ғов солишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиздаги барқарор вазият, аҳолининг нисбатан яхши турмуш шароити, ислоҳотлар йўлида олға қўйилаётган дадил ва ишончли қадам Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги одамлар қалбида ҳам ҳавас уйғотмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, мамлакатимизда яшаётган руслар ҳам аҳил ва тотув турмуш кечиришмоқда. Аҳоли кўчиб кетиши тўхтади. Мана шундай манзур бир ҳолат Россияда кимларгадир ёқмаётганлиги аниқ.

Ўз ўқувчисини ҳурмат қилган ҳар қандай нашр адолат мезони билан иш тутиши лозим. Адолат мантиғи шундан иборатки, Ўзбекистон мунтазам суръатда ўз саноат қувватини ошириб, янгидан-янги иқтисодий муносабатлар ўрнатиб бормоқда. Бу борада янги ё эски ҳамкор бўлсин, ўзаро тенг шериклик қоидалаларига қатъий амал қилмоқда. Давлат бозор иқтисодиёти йўлида собит илгарилаб бораётир. Устувор йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Бу, бир томондан, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иккинчи томондан, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашга бўлган қатъий ҳаракатдан иборат.

Мамлакатимизда нафақат иқтисодиёт, балки тарихий, маънавий қадриятларга, маърифатга ҳам катта эътибор берилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш диққат марказида. Кундек равшан нарсалардан кўз юмиб бўладими?

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис 6-сессиясида алоҳида таъкидлаганидек: «Чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик, боқимандалик билан боғлиқ барча нарса ўтмишга айланмоқда, кишиларимизда мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида ўзимизнинггина эмас, бошқа мамлакатлар мисолида тўпланган, кичик бўлса-да, бироқ анчагина аччиқ тажриба одамларнинг кўзини очди, улар зийракроқ ва бошқаларга нисбатан сабр-бардошлироқ бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини қуриш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Бундай кишиларни ҳеч қандай куч билан ўзлари танлаб олган йўлдан орқага қайтариб бўлмаслигига ишончим комил!».

**(«Халқ сўзи» 5 октябр).**

# ТУРОН БОБОСИ ҚИРҒИЗ ЭЛИДА

Маълумки, ўзбеклар билан қирғизлар бамисоли бир дарахтнинг шохлари ҳисобланиб, бир тан бир жон бўлишиб ҳаёт кечирганлар. Улар яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам якдиллик билан иш юритганлар. Бу тарихан шаклланган дўстлик ва ҳамкорлик, алоқалар мустақилликка эришилгандан кейин янги босқичга кўтарилиб, самарадорлиги тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистонда машҳур «Манас» достонининг минг йиллиги, Қирғизистонда Амир Темур кунларининг ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Президент А.Акаевнинг фармони билан Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилиб, унга бош вазир ўринбосари М.К.Жангарачева раҳбар қилиб тайинланган. Бу ниҳоятда ишчан ва ўз касбининг моҳир устаси бўлган аёл зиммасига юклатилган вазифани тўла уддалаганлиги кўпчилик томонидан қайд қилинди. Ташкилий қўмитанинг дастури сермазмун ва кўп қиррали. Унга кўра 1996 йил 14 сентябрида Ўш шаҳрида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтган. Унда Бишкек, Ўш, Андижон, Фарғона, Қўқон ва бошқа шаҳарларнинг вакиллари иштирок қилганлар.

Шунингдек, Амир Темур 660 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва консерт уюштирилган. Шуниси диққатга сазоворки, таниқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси Ўшдаги ўзбек музика драма театрида намойиш қилинди. Спектакл томошабинларда катта таассурот қолдириб, давомли олқишларга сазовор бўлди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги республика пойтахти Бишкекда ҳам кенг кўламда ва катта тантаналар билан ўтказилганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу ерда 26 сентябрда «Амир Темур ва темурийлар даврида Қирғизистон» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман иш бошлади. Бунда таниқли олимлар билан бир қаторда республика раҳбарлари, зиёлилар қатнашдилар. Айниқса машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг қатнашиши анжуманга янада файз киритди.

Ташкилий қўмита раиси М.Жангарачева сермазмун кириш сўзи билан анжуманни очди. У соҳибқиронни буюк давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида гавдалантирди. Анжуманда камина «Темур ва унинг даври» мавзусида маъруза ўқиб, унда соҳибқирон озодлик ва мустақиллик рамзи сифатида баён этилиб, ўша давр манзараси ва унга хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилди. Тошкентлик олима М.Холматованинг «Амир Темур ва аёллар» маърузаси қизиқиш билан қарши олинди.

Анжуманда таниқли қирғиз олимлари, хусусан, О.Қораев, Д.Бахтигулов, З.Эралиев, О.Орусбаев, И.Молдабаев, В.Горячева, Д.Жамиева, Д.Сапаралиев ҳам Амир Темурнинг жаҳон миқёсидаги буюк тарихий шахс эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Улар соҳибқирон ёлғиз ўзбекларнигина эмас, балки барча туб халқларнинг чинакам сардори ва ҳомийси бўлганлигига урғу бердилар. Айни пайтда Амир Темур даврида марказлашган қудратли давлат ташкил топиб фан ва маданият ривожланганлиги қайд қилинди. Туркистон жаҳон даврасида муносиб ўрин эгаллаганлиги катта тарихий воқеа деб баҳоланди.

Анжумандан кейин кўп кишилар Олатов майдонига тўпланди. Бу кўркам жойда қайси томонга қараманг, соҳибқироннинг суратлари кўзга ташланади.

Бишкекда турли миллатларнинг маданий марказлари бўлиб, уларнинг ҳаммаси ўша майдондаги битта катта бинога ўрнашган экан. Мана шу бинонинг рўпарасида улар дастурхон атрофида тўпланган кўп сонли кишиларга катта консерт бердилар. Буни Қирғизистон ҳарбий оркестри жозибадор қўшиқлар ва рақслар билан очди. Сўнгра ўзбек маданий марказининг ашула рақс гуруҳи классик ва ҳозирги замон қўшиқларини ижро этди. Айниқса томошабинларда Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеъри асосида айтилган қўшиқ катта таассурот қолдирди. Уни бир мактаб ўқувчиси ниҳоятда мароқ билан айтиб, узоқ олқишларга сазовор бўлди.

Уйғур маданият марказининг хонандалари ва рақкосаларининг чиқишлари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Навбатма-навбат курд,турк, корейс, дунган, татар, чечен ва бошқа миллат вакилларининг қалбларни тўлқинлантирувчи қўшиқ ва рақслари янгради.

26 сентябр кечқурун Қирғизистон давлат академик театри одамлар билан лиқ тўлди. Бу ерда Ўш ўзбек драма театри Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмасини намойиш қилди. Амир Темур ролини Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Салоҳиддин Умаров, Бибихонимни Қирғизистон халқ артисти Ойтожи Шабданова моҳирона ижро этдилар. Шунингдек, Ўлжаой Туркон, Амир Ҳусайн, Мир Сайид Барака ва бошқа роллар ҳам катта таассурот қолдирди. Спектакл барча томошабинлар томонидан зўр мамнуният ва миннатдорчилик билан қарши олинди. Томошабинлар театрнинг бош режиссёри Ғанижон Холматовни ва умуман театр жамоасини катта муваффақият билан табрикладилар.

27 сентябр куни эрталаб Қирғизистон Республикаси миллий кутубхонасининг ҳашаматли залида китоб кўргазмаси очилди. Уни маданият вазири Чўлпонбек Бозорбоев очиб, Амир Темурнинг фаолияти ҳақида сермазмун маъруза қилди. У соҳибқиронни ўлканинг барча туб аҳолиси дўстлиги, ҳамкорлиги ва тараққиётини таъминлаган буюк ҳукмдор сифатида таърифлади. Шунингдек, унинг ҳаёт йўли ва жўшқин фаолияти биз яшаётган замон руҳи ва эзгу мақсадларига ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Китоб кўргазмаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилган 26 декабр 1995 йилдаги фармонини намойиш қилиш билан бошланади. Бу ерда соҳибқиронга бағишланган ўзбек, қирғиз, рус, инглиз ва бошқа Оврупо тилларида чоп этилган бой адабиётлар жамланган. Уларнинг орасида И.Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли» китоби ҳам бор. Қирғизистонда соҳибқиронга бағишланган тўртта китоб чоп этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Тоҳир Содиқов раҳбарлик қилаётган Ўзбек маданий маркази катта жонбозлик кўрсатиб, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга улкан ҳисса қўшди.

27 сентябрда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган якунловчи тантанали йиғилишни биргаликда ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари С.Саидқосимов бошчилигидаги делегатсия Бишкекка келди.

Ўша куни кечқурун том маънода байрам руҳи ҳукм сурди. Қирғизистон давлат академик опера ва балет театри байрамона шукуҳга тўла. Президент Аскар Акаев бошлиқ давлат арбоблари ва С.Саидқосимов бошчилигидаги ўзбек делегатсияси президиумда ҳозир бўлганида бу биродарликнинг ёрқин рамзи сифатида узоқ олқишга сазовор бўлди.

Президент Аскар Акаев, С.Саидқосимов, Абдулла Орипов, Бернора Қориева ва бошқа табаррук кишиларнинг Амир Темур фаолияти, дўстлик ва ҳамкорлик хусусидаги сўзлари кишиларда мустақиллик ва озодликни нақадар оламшумул аҳамиятга моликлигига ишончини ва порлоқ келажакка умидни янада мустаҳкамлади.

Президент А.Акаев Бернора Қориевани Қирғизистон халқ артисти унвони, машҳур шоиримиз Абдулла Ориповни Қирғизистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш ҳақидаги фармонини эълон қилганда, зал оёққа қалкди.

Кечада ўзбек, қирғиз ашула ва рақслари янгради.

Хулоса шуки, бутун Қирғизистон халқи байрам либосини кийиб соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини муносиб равишда нишонлади.

Мен мазкур мақоламни Қирғизистон ҳукумати томонидан уюштирилган зиёфатда баён этган ушбу сўзларим билан якунлайман: Қирғизистонда буюк бобомизнинг таваллуди олий даражада нишонланганлигининг гувоҳи бўлдим... Бу ажойиб ва гўзал мамлакатда Амир Темур мустақиллик ва озодлик рамзи сифатида улуғланди.

Шуни унутмаслик кераккки, бизнинг замонамизда Ислом Каримов, Аскар Акаев ва Нурсултон Назарбоев Туркистоннинг янги тарихида мустақиллик ва озодлик асосчилари сифатида тарих саҳифаларига кирдилар. Халқлар уларнинг оламшумул ишларини дунё тургунча нишонлай берадилар. Зеро, уларнинг табаррук ишларини ҳеч бир куч тарих саҳифаларидан ўчиришга қодир эмасдир.

**Ҳамид ЗИЁЕВ,**
**профессор**

*Редаксияга хат*

## ОНА-МУҚАDDАС

***Хурматли редаксия!***

***«Миллий тикланиш» газетасини чиқа бошлагандан буён ҳеч қолдирмай ўқиб келаман. Айниқса муҳаррирнинг биринчи саҳифада бериб борилаётган шарҳлари, мақолалари, одоб-ахлоқ ҳақида, маънавият ва маърифат рукнларидаги мунтазам мазмундор чиқишлари мени руҳлантирмоқда.***

***Сиз ишонасизми, йўқми, ҳар сешанба бу газетанинг навбатдаги сони чиқишини интизорлик билан кутаман. Негаки, бу газета менга ишда ҳам, турмушда ҳам катта ёрдам кўрсатиб, чин ҳамроҳим бўлмоқда.***

***Айниқса 1 октябр сонида профессор Мирмажид Зокировнинг «Маънавият қирралари» рукни остида «Бош букилмасин десангиз...» деб номланган мақоласини ўқиб, вояга етиб келаётган, бизнинг келажагимиз бўлмиш фарзандларимиз тарбиясида онанинг ролини қандайлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Аммо ҳамма оналар ҳам буни чуқур англаб етадими?***

***Яқин бир дўстим қўярда қўймай бир тўйга олиб борди. Биз борганда тўй бошланган, у қизлар ўтиришини эслатар эди. Ўтирганларнинг кўпчилиги аёллар эди. Стол устида 1 пиёла қўйишга жой йўқ. Ҳар турли анвойи шишаларни-ку, қўяверасиз.***

***Шундоқ ёнгинамиздаги столда келин томондан келган ўрта ёшли аёллар ўтиришарди. Тўй қизигандан қизиб борарди. Ёнимиздаги аёллар ҳам бирровдан сўнг товушлари ўзгариб, ўлмайдиган ким бор, бироз бўлса ҳам кўнглимизни ёзайлик, деб хандон-хушон ўтиришарди. Бўшаган шишалар ўрнига янгилари пайдар-пай келиб турибди.***

***Маҳалла оқсоқоли эса бизда шунақа, дегандек гердайиб қўлини орқага қилиб меҳмонларни кутарди.***

***Тўй тамом бўлди. Ҳалиги аёллар зўрға автобусга чиқиб кетдилар. Биз эса кузатиб қолдик. Бир нарса қийнайди. Бизда ҳам «шундай-шундай» бўлиб, аёллар ўртасида тўйда ичкилик ичиш расм бўлиб кетмасмикан? Аёлларнинг оғзидан арок ҳиди келиб турса фарзандлар кўзига қандай қарайдилар? Жамоатчилик бунга қандай қарарркин? Бола ота-онадан ўрнак олади. Буни аёлларимиз тушунишармикан? Айбдор ким? Менимча ҳаммамиз айбдормиз. Аёллар олдига ароқни тўйларда биз ўзимиз қўймаяпмизми? Авваллари аёллар ўтирадиган столлар яхши безатилар, лекин шишалар қўйилмас эди.***

***Ҳозир эса аксинча бўлиб қолди. Эркинликни шундай тушуниш яхшими? У қаерга олиб боради? Йўқ, бу ишларга чек қўяйлик, биродарлар.***

***Она ҳар доим она даражасида турсин. У муқаддас зот.***

***Ғуломжон ҲАКИМОВ***

## Ёқубжон ИРИСМЕТОВ:

# ТЎҒРИ ЙЎЛ — ИЛМ-ҲУНАР ЙЎЛИ ЭКАН...





**Суратларда: Бекобод шаҳар ИИБ паспорт бўлими бошлиғи Неъмат Хусаинов талабаларга паспорт топширмоқда; техникум директори Ёқубжон Ирисметов**

***Бекобод жумҳуриятимиз аҳлига азалдан нурчилар, пўлат эритувчилар ва қурувчилар диёри сифатида маълум. Зеро, шаҳардаги Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Ўзбекистон металлургия заводининг, ўлкамизнинг энг тўнғич ва йирик саноат корхоналаридан бири бўлмиш семент комбинатининг, дастлабки нур манбаларидан Фарҳод электрстансиясининг таърифини эшитмаган-билмаган одам топилмаса керак.***

***Шуниси эътиборга моликки, Бекободда саноат ва бошқа соҳалар қатори халқ таълими ҳам йил сайин равнақ топиб, ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда шаҳарда 22 та болалар боғчаси, 17 та ўрта мактаб, 3 та ҳунар билим юрти ва 3 та техникум ишлаб турибди. Уларда минглаб ўғил-қизлар билим ва тарбия олмоқдалар, турли касб-кор сир-асрорини ўрганмоқдалар. Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, шаҳар, туман, вилоят, қолаверса, жумҳурият ишлаб чиқариш корхоналарига малакали ёш мутахассислар тайёрлаб, етказиб беришда Бекобод саноат техникуми алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йил ушбу ҳунар даргоҳи 35 ёшга тўлди. Ўтган давр мобайнида унинг бағридан ўн мингга яқин ёшлар учирма бўлдилар. Улар айни пайтларда турли меҳнат жамоаларида самарали ишлашяпти. Бизнинг техникум директори Ёқубжон ИРИСМЕТОВ билан уюштирган қуйидаги суҳбатимизда ана шу қутлуғ масканнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида фикр юритилади.***

**— Ёқубжон ака, орқаваротдан эшитишимча, сиз асли чимкентлик экансиз. Лекин анчадан буён Бекободда яшайсиз. Яна денг, меҳнат фаолиятингизнинг дастлабки кунидан то ҳозирга қадар муқим бир жойда, аниқроғи, эндиликда ўзингиз бошқараётган мана шу техникумда ишлаб келасиз...**

— Рост айтасиз. Умр деганлари ҳақиқатан ҳам оқар дарё экан. Назаримда, гўёки куни кечагина олий маълумотли муҳандис-технолог бўлиш орзусида Тошкентда ўқиб юргандайман. Аммо, бундоқ ортга назар солиб, росмана ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, йўлланма бўйича Бекобод заминига илк бор қадам қўйганимга ҳам бугун-эрта, оз эмас, кўп эмас, роппа-роса чорак аср бўларкан. Шу вақт ичида бу шаҳар менга бамисоли киндик қоним тўкилган гўшадек азиз ва қадрдон бўлиб қолди. Яшириб нима ҳам қилардим, гоҳо таътил баҳонасида ёки хизмат юзасидан 15-20 кунга бошқа юртга кетар бўлсам, ҳаял ўтмай Бекободни соғинаман, ҳатто, унинг қайсар шамолини ҳам қўмсаб қоламан.

**— Суҳбатимиз дебочасидаёқ бу ҳақда сўз очганимнинг яна бир жиҳати бор: одатда узоқ йиллар бир жойда ва бир соҳада ишлаган одам ўз жамоасининг тарихини, унинг турли даврлардаги фаолиятини бошқаларга нисбатан анча яхши билади. Бас, шундай экан, айтинг-чи, ушбу техникум нега айнан Бекободда очилган? Унинг асосий мақсад-вазифалари нималардан иборат?**

— Дунёда ҳеч бир ғоя ёки ташаббус ўз-ўзидан туғилмайди. Унинг замирида, албатта, қандайдир муайян зарурат, ҳаётий талаб-эҳтиёж ётади. Бу демак, техникумимизнинг Бекободда ташкил этилишининг ҳам ўзига хос қатор сабаблари бор. Биринчидан, ўзингиз яхши биласиз, шаҳар жўғрофий ва табиий-иқлимий аҳамиятига кўра ғоят қулай жойда — азим Сирдарёнинг икки соҳилида қад ростлаган. Унинг ҳудуди бир замонлар карвон йўллари кесишган дарвоза ҳисобланган. Шунингдек, бу заминнинг қуруқ ва иссиқ об-ҳавоси, теварак-атрофдаги тўқайлар, ороллар, ўтлоғу яйловлар, зилол булоқлар аввалдан деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай бўлган. Иккинчидан, Сирдарё шаҳарнинг юқори қисмида кўкрак керган Фарҳод тоғи этакларига яқинлашганда анча торайди, ўзандаги сув сатҳи қирғоқлар сари бир оз кўтарилади. Табиатнинг бу саховати агар асов дарёга банд солиниб, тўғон қурилса, ён-атрофдаги текисликларга сув чиқариш, энг муҳими, шу ердан бошланиб ўнлаб-юзлаб чақирим масофага чўзилиб кетган Мирзачўлни ва Далварзин даштларини суғориш имконияти яратилишидан дарак берган. Шу боис аждодларимиз қадимдан бу ерларни ўзларига макон тутишган. Бироқ фан-техника ривожланмагани туфайли асрлар оша чўнг мақсадларига эришолмаганлар.

Қарангки, халқимиз орзулаган эса-да, ҳадейишда рўёбга чиқара олмаган эзгу ниятларни ўтган асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ўлкамизни босиб ола бошлаган чор Россияси ўз манфаатлари йўлида амалга оширишга киришади. У Мирзачўл ва Далварзин даштлари ўзлаштирилса, келгусида «улуғ салтанат» учун ширин-шакар ноз-неъматлар ва битмас-туганмас бебаҳо хом ашё манбаига айланиб қолажагини назарда тутган ҳолда иш юритади. Дашту биёбонларга сув чиқариш умидида бояги жойда тўғон тиклашга аҳд қилади. Тўғон мустаҳкам-бақувват бўлиши учун эса кўплаб миқдорда семент керак эди. Бироқ ўша кезларда Туркистонда бундай маҳсулот тайёрлайдиган бирорта ҳам корхона йўқ эди. Уни Россиядан ташиб келтириш ўзини оқламас, боз устига, Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетгани сабабли ўша даврнинг энг арзон ва қулай транспорт воситаси — темир йўл вагонлари ҳам ҳарбий юклар билан тирбанд бўлиб қолганди. Бундай шароитда бирдан-бир тўғри йўл — тўғон кўтарилаётган жойда семент ишлаб чиқарадиган корхона қуришдан иборат эди.

Худди шундай бўлди ҳам. 1914 йили Бекободда йилига 150 минг бочка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга Хилково семент сехи қурилиши бошлаб юборилди. Бироқ орадан кўп ўтмай, Октябр тўнтариши рўй берди. Ҳокимият Шўролар ҳукумати қўлига ўтди. У ҳам амалда мазмун-моҳиятига кўра чоризм сиёсатини зимдан давом эттирди. Алқисса, қурилиши ниҳоясига етмай қолган ўша сех негизида йирик семент заводи барпо этилиб, 1926 йилда у фойдаланишга топширилади. Унинг маҳсулотлари кейинчалик кўплаб қўриқ ерларни ўзлаштиришда — ариқ ва каналлар, сув омборлари бунёд этишда, ўнлаб жамоа хўжаликларининг, шаҳар-қишлоқларнинг жамол очишида жуда қўл келади. Бирмунча муддатдан сўнг корхона сафига унинг ўзи доялик қилган Фарҳод ГЭСи, Ўзбекистон металлургия заводи ва бошқа бир қатор йирик қурилиш ташкилотлари қўшилади. Шу аснода Бекобод чоғроққина қишлоқдан саноати тараққий этган забардаст шаҳарга айланади. Бу ўз ўрнида шаҳар корхоналарини малакали маҳаллий ишчилар, етук мутахассислар билан таъминлаш муаммосини кун тартибига кўндаланг қўяди. Натижада 1959 йили бизнинг техникумимизга асос солинади. У аввалига Чирчиқдаги оғир саноат техникумининг филиали сифатида фаолият кўрсатади, 1961 йили эса мустақил равишда иш юритувчи касб-ҳунар ўчоғига айланади. Бунда жамоамизга мендан олдин муттасил 26 йил бошчилик қилган педагог-мутахассис Николай Макаровнинг хизматлари беқиёс бўлади.

**— Боя техникум тарихига оид айрим манбалар билан танишаётиб, дастлабки вақтларда талабалар кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларда таҳсил кўришганини англагандим. Шунингдек, тўрт йўналиш — металларни босим остида ишлаш, бинолар ва иншоотлар қурилиши ҳамда улардан фойдаланиш, силикат ва нометалл ашёлар ҳамда буюмлар технологияси, ашёларга дастгоҳлар ва автомат тизимлар воситасида сайқал бериш бўйича мутахассислар тайёрланганини ҳам билиб олгандим. Ҳойнаҳой, кейинчалик бу борада жиддий ўзгаришлар рўй бергандир?**

— Албатта! Эндиликда техникумимизда 838 нафар йигит-қиз таҳсил кўряпти. Улар ўқиш жараёнида сиз юқорида санаб ўтган мутахассисликлардан ташқари яна учта энг зарур касб-ҳунар асосларини ўзлаштирмоқдалар. Булар — автомобилларга ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиёт ва режалаштириш, саноат корхоналари ва фуқаролар иншоотларига электр жиҳозлари ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланиш ихтисосликларидир. Сирасини айтганда, биз бугунги кунда халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишловчи автомеханиклар, электриклар, қурувчилар, металлурглар, технологлар ва иқтисодчилар тайёрлаймиз. Шу мақсадда талабаликка қабул қилинган тўлиқсиз ўрта маълумотга эга ёшларни 3,5-4 йил, ўрта маълумотлиларни 2.5-3 йил ўқитамиз. Улар кундузги ва сиртқи бўлимларда сабоқ олишади.

**— Негадир кечки бўлимни эсга олмаяпсиз...Нима, ёки у тугатилганми?**

— Афсуски, шундай. Илгарилари талабаларимиз орасида жумҳуриятимизнинг турли туман-шаҳарларидан келиб ўқиётганларни кўплаб учратиш мумкин эди. Ҳаётимизга бозор иқтисодиёти кириб келиши, йўлкира ҳақи, кундалик эҳтиёж моллари нарх-навоси ошиши туфайли уларнинг сони ўз-ўзидан кескин қисқарди. Ҳатто шундоққина шаҳримизга туташ Бекобод туманида яшовчи йигит-қизлар ҳам тунда дарсдан чиққач, 15-20, нари борса, 25-30 километр узоқликдаги қишлоқларига етиб олишга қийналадиган бўлиб қолдилар. Охир-оқибат кечки бўлимга ҳужжат топширувчилар камайди, биз уни тугатишга мажбур бўлдик.

**— Тушунарли. Энди навбатдаги саволга ўтсам. Ўзингиздан қолар гап йўқ, бир вақтлар бизда ғалати одат пайдо бўлганди. Кўпчилигимиз ҳунар-техника билим юртларига ва техникумларга негадир паст назар билан қарардик. Масалан, «100 фоиз ўзлаштириш учун» зўрма-зўраки ҳаракатлар бошланган кезлар аксарият мактаблар маъмурияти масъулиятни ўз бўйнидан соқит қилишнинг ажойиб «йўли»ни топишганди. Қайсики ўқувчи ёмон ўқиб, гўёки «давомат ва фанларни ўзлаштиришга доғ тушираётган» бўлса, уни 8-синфни тугатар-тугатмас, яқин-атрофдаги «училище»га ёки техникумга «бадарға» қилиш пайида бўлишарди. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради деганларидек, бу иллат бошқаларга ҳам юққан эди. Илм олишга уқуви йўқроқ қолоқ ўқувчилар ҳақида баҳс-мунозара очилса, айрим ота-оналар: «Болам жа бўлмаса, бирор «училище»гами, техникумгами, кириб ўқир», — деб бепарво қўл силташарди. Шунданми, касб-ҳунар даргоҳларига асосан билими паст ўғил-қизлар йиғилиб қолишарди. Уларнинг кўпчилиги дарс-машғулотларга номигагина келиб-кетишарди. Бир амаллаб ўқишни битиргандан кейин ҳам кўпда жамиятга фойдалари тегмасди. Ё «дипломли бекорчихўжа» бўлиб аросатда қолишарди, ёки кейинчалик ўзлари ёқтирган бошқа бирор соҳа этагидан тутиб кетишарди. Бундан ҳам ачинарлиси, ҳеч кимни уларнинг кейинги тақдири қизиқтирмасди. Бировни «Ҳов, биродар, билим юртимизни фалон йил ичида фалонча талаба манави-манави мутахассисликлар бўйича битириб кетган эди. Ҳозир улар қаерда, нима иш билан машғул? Ёки биз шунча вақт, шунча маблағ сарфлаб, уларни бекордан-бекорга ўқитганмидик?» деган савол жиддий ўйлантирмасди...**

— Бу каби хато-камчиликлар авваллари техникумимиз фаолиятида ҳам рўй берган. Аммо эндиликда бундай нохушликлар тубдан барҳам топган. Боиси — сўнгги йилларда асосан шаҳримиздаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Бекободсемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, ғишт заводи, турли қурилиш ташкилотлари, Бекобод тумани жамоа хўжаликлари ва саноат корхоналари билан ўзаро келишилган шартномалар асосида иш тутяпмиз. Аниқроғи, улардан қай бирига қайси соҳа бўйича қанча ишчи-кадр зарур бўлса, биз ҳар йили шунча мутахассис тайёрлаб, етказиб беряпмиз. Бунинг учун, аввало, буюртмачи корхоналар бўлғуси ишчи-мутахассисларини ўзлари саралайдилар. Улар синовлардан ўтиб, талабаликка қабул қилингач, техникумимиз ҳисоб рақамига шартномада белгиланган миқдордаги маблағни ўтказадилар. Бу билан бизни моддий-иқтисодий томондан қўллаб-қувватлайдилар. Шунингдек, талабалар билан бевосита иш жойларида амалий машғулотлар ўтказишимиз, етакчи, тажрибали мутахассислар, меҳнат илғорлари билан учрашув-суҳбатлар уюштиришимиз учун шарт-шароит яратиб берадилар. Энг муҳими,техникумимизни битирган ёшлар аро йўлда қолиб кетмайдилар, қайси корхона ёки ташкилот ҳисобидан ўқиган бўлсалар, ўша жойга бориб ишга жойлашадилар.

Албатта, бу гапдан жамоамизда ёшларнинг умумтаълимий маълумотини мустаҳкамлаш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишлари яккаш буюртма асосида олиб борилади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Биз вақти-вақти билан мактабларга, турли корхона ва ташкилотларга бориб, ёшларни касбга йўналтириш, техникумимизда ўқишга жалб этиш юзасидан суҳбатлар ўтказяпмиз. Таълим-тарбия бериш ва касб-ҳунар ўргатишни ўзаро яқин ихтисосликларга ўқитишни бир-бирига уйғунлаштирган, амалиёт билан боғлаган, лаборатория шароитида илмий жиҳатдан мустаҳкамлаган ва талабаларни ҳақиқий ишлаб чиқариш жараёнида қатнаштириш асосида олиб боряпмиз. Бунда Рауф Эргашев, Раҳматилла Ҳусанов, Даврон Зокиров, Эргаш Райимқулов, Исмоил Абдураимов, Тўғонбой Бозорбоев, Аъзамжон Парпихўжаев, Олга Пендюрина каби ўқитувчиларнинг, Равшан Жўлиев, Ирина Филимонова сингари ишлаб чиқариш усталарининг хизматлари катта бўляпти. Талабаларимиз устозларидан олган назарий билимларини бинокорлик, чилангарлик, механика ҳамда компютерлаштириш сехларида амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб бормоқдалар. Бундан ташқари, улар техникумимиз қошида очилган кичик корхонада ишлаб, турли хил қурилиш ашёлари тайёрламоқдалар. Бу маҳсулотлар аҳолига сотилмоқда. Савдодан тушган маблағнинг муайян қисми ёшларга меҳнат ҳақи сифатида тўланмоқда, қолгани техникум биносини, ўқув ва устачилик хоналарини таъмирлаб жиҳозлашга, маданий тадбирлар ўтказишга сарфланмоқда.

Яна бир гап. Биз ўз фаолиятимизни замон талаблари асосида тубдан ислоҳ қилиш билан бирга йиллар давомида синовдан ўтган эзгу анъаналарни изчил давом эттиряпмиз. Чунончи, Бекобод туманининг «Навбаҳор», «Сарюз» жамоа хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатяпмиз. Ўқитувчиларимиз ва талабаларимиз ҳар йили кузда далага чиқиб, етиштирилган пахта ҳосилини ёғин-сочинга қолдирмай, ўз вақтида йиғиб-териб олишга муносиб ҳисса қўшяптилар. Айни кеча-кундузларда ҳам уларни пахтазорларда учратасиз.

**— Жамоангизни ташвишга солаётган муаммо ва қийинчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Мақтанишга йўйманг-у, лекин бизда ишлаётган 50 га яқин ўқитувчи ва тўрт устанинг барчаси ўз фанини, соҳасини яхши биладиган тажрибали кишилар. Моддий-ўқув базамиз ҳам мустаҳкам. Бироқ баъзи фанлар ва мутахассисликлар бўйича зарур дарслик ҳамда қўлланмалар етишмайди. Борлари ҳам эски, ўз замонасига мос услубда ёзилган. Устига устак, аксарияти рус тилида ёки русчадан таржима. Бинобарин, мутахассис-олимларимиз бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриб, техникумлар ва ҳунар билим юртлари талабаларига мўлжалланган замонавий ва миллий дарслик-қўлланмалар яратишни жадаллаштирсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Иккинчи муаммо ҳам ҳаммамизга тааллуқли ва долзарбдир. Эътибор берган бўлсангиз, сезгандирсиз, кейинги пайтларда ўғил-қизларимиз руҳиятида қандай бўлмасин, кўпроқ пул топишга, қимматбаҳо кийим-кечакка, турли хил тақинчоқларга ружу қўйиш иллати авж олди, билим олиш айримлар наздида гўёки иккинчи даражали ишга айланиб қолди. Ана шунинг оқибатида баъзи ёшларимиз мактабларда билим асосларини пухта ўзлаштиролмаяптилар. Шунга кўра, ҳунар билим юртлари ва техникумлар уларга касб ўргатиш қатори ўрта маълумот бериш билан ҳам кўпроқ машғул бўлиб қолмоқдалар. Бу ҳолнинг туб иддизи оила билан мактаб — ота-оналар билан ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг сустлигига бориб тақалади. Демак, биз бундай ҳамкорликни том маънода такомиллаштириш йўлларини қидиришимиз керак. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам биринчи навбатда оила тарбия ўчоғи, мактаб эса, аввало, билим берувчи маскан бўлиб қолмоғи шарт. Агар ўқувчи мактабда яхши ўқиган бўлса, бизнинг ишимиз ҳам енгиллашади, меҳнатимиз самараси тезроқ кўзга ташланади. Негаки, бизнинг бош мақсадимиз ёшларга касб-ҳунар ўргатишдан, малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Умуман олганда, касб-ҳунар эгаллаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлади. Бу ҳақда Носир Хисрав минг йилча бурун шундай деган эди:

**Косибдин шоду хуррам йўқ жаҳонда,**
**Ҳунардин яхши дур ҳам йўқ жаҳонда.**

**— Шунинг учун ҳам халқимиз «Касби борнинг — жахри бор!» — дейди. Қолаверса, ҳар қандай мустақил давлатнинг ҳам келажагини ҳар томонлама билимли, касб-ҳунарли ёшлар белгилайди. Касб-ҳунар асосида эса, ўзингиз биласиз, илм ётади. Буни ҳозиргина сиз номини тилга олган улуғ донишмандимиз мухтасаргина қилиб қуйидагича ифодалаган:**
**Ўзингни илм бирла безат ҳар маҳал,**
**Фақат кимхоб кийган эмасдир гўзал!**

— Баракалла!

**Суҳбатдош: Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

